


## XI. Шартноманинг муддати

11.1. Мазкур шартнома “Томонлар”нинг вакиллари имзолаган кунидан бошлаб қучга киради ва “31” декабр 2022 йилгача амал қиласди.

11.2. “Томонлар”нинг шартнома бўйича мажбуриятлари ижроси, шартноманинг амал қилиши муддати тугашидан қатъий назар, тўлиқ таъминлангунга қадар давом этади.

11.3. Агар “Томонлар”дан бири ушбу шартномани амал қилиш муддатидан олдин тутатилиши истагини билдирса, у ҳолда бошқа томонни камидан 20 (йигирма) календар кун олдин ёзма равишда хабар қилиши керак.

## XII. “Томонлар”нинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

<b>“Ижрочи”</b>	<b>“Буюртмачи”</b>
<p>“Тошйўловчitransxizmat” УК 100000, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темур 1-тор кучаси, 6-уй. Тел.: (71) 233-08-48; (71) 233-58-21 Ҳисоб рақами: 2021 0000 3004 1519 8001, “ORIENT FINANS” хусусий акциядорлик тижорат банкининг Юнусобод филиали, банк коди - 01075.</p> <p>Идентификация рақами СТИР (ИНН)- 201 121 832.</p> <p>Тармоқ коди ИФУТ (ОКЭД) – 52210 ККС – туловчининг рўйхатдан ўтган коди 326 030 021 078.</p> <p><b>Директор</b> <u>Атажанов А.Н.</u>   (имзо)</p> <p><b>Хукуқшунос</b> <u>Н.Я.Дадамухамедова</u> <u>Гуруннома № 10К № с/п 715</u> (имзо)</p>	<p><u>Сарончи, 76</u> (бюджет маблагини олувчининг номи)</p> <p>Манзил: <u>Сарончи, 76</u> Тел./факс <u>71-283-43-50</u> Ш/р <u>100022660262737074H0054001</u> Банк коди <u>00420</u> ИНН <u>201869122</u> ИФУТ (ОКЭД) <u>91531</u></p> <p>Разнацилик бўлимининг номи <u>Миробод</u> <u>бўшили</u> Разна рақами <u>2340200030100010</u> Банк номи <u>Марказиёй банк</u></p> <p>Банк коди <u>00014</u></p> <p>Разнацилик бўлимининг ИНН <u>201122 919</u> Рахбар <u>Р.Б.Ахмедова</u> (Мансаби, ФИШ)  М.У.</p>
<p>В соответствии со ст.21 Закона РУз «О договорно-правовой базе деятельности хозяйствующих субъектов» проведена правовая экспертиза данного договора (контракта, полиса)</p> <p>Условия и оформление настоящего договора (контракта, полиса) соответствует требованиям ст. 10,11 Закона РУз «О договорно-правовой базе деятельности хозяйствующих субъектов», Гражданского Кодекса РУз и в этом отвечает требованиям законодательства, регламентирующим процедуру заключения и содержания хозяйственных договоров.</p> <p>Мера ответственности сторон и порядок разрешения споров также соответствует законодательству.</p> <p>Настоящее заключение не направлено на определение правильности сенообразования.</p>	

## VII. “Томонлар”нинг жавобгарлиги

7.1. “Буюртмачи” томонидан тўлов муддати бузилса, у “Ижрочи” га ҳар кечиктирилган тўлов куни учун тўлов суммасининг 0,4 % миқдорида пеня тўлайди. Пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.2. “Ижрочи” томонидан транспорт карталаларининг бериш муддати бузилса, у “Буюртмачи” га ҳар кечиктирилган куни учун тўлов суммасининг 0,4 % миқдорида пеня тўлайди. Пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. “Томонлар” ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини етарли даражада ёки тўлик бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида жавобгардирлар.

## VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. “Томонлар” ушбу шартнома бўйича маъсулиятни қисман ёки тўла ҳолатда бажаришдан озод қилинадилар, агар бу ҳолат шартнома тузилгандан кейин енгиб бўлмас куч туфайли юзага келса, яъни фавқулодда ҳолатлар ҳар икки томон учун олдиндан кутилмаган ҳолатлар бўлиб, уларни оқилона тадбирлар билан енгиб бўлмаса (форс - мажор).

8.2. Ушбу фавқулодда ҳолатларга қуидагилар киради: сув тошқини, ёнғин, зилзила, портлаш, бўрон, ер кўчиши, эпидемия ва табиатнинг бошқа оғатлари, уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар, фуқаролар тартибсизликлари, терористик ҳаракатлар ва х.к.

8.3. Форс - мажор ҳолатлари вужудга келганда мажбуриятларни бажариш муддати ушбу ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари давом этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

8.4. Форс - мажор ҳолатига дучор бўлган томон 5 (беш) календар куни ичida шундай ҳолат юз бергани ҳақида бошқа томонни хабардор қилиши керак.

8.5. Форс - мажор юзага келиши ҳақида хабарнома вақтида юборилмаса, айбор томон бошқа томонга етказилган зарарни тўлаши шарт.

8.6. Форс - мажор ҳолатларига ишора килувчи томон, уларни тасдиқлаш учун, ваколатли давлат органининг ҳужжатини тақдим этиши шарт.

## IX. Низоларни ҳал этиш

9.1. Ушбу шартнома ижросидан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликларни “Томонлар” музокаралар йўли билан ҳал этишга ҳаракат қилишади.

9.2. Агар ушбу шартнома ижроси бўйича низолар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этилмаса, ушбу низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Тошкент шаҳар туманларо иктисадий судида ҳал этилиши лозим.

## X. Бошқа шартлар

10.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган “Томонлар” ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, “Томонлар”нинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

10.2 Сотилган транспорт карталари ва транспорт карталарига тўлдирилган тариф режалар қайтариб олинмайди ва алмаштирилмайди.

10.3. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, ҳар бир томон учун бир нусхадан, тузилади.

10.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

10.5. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва “Томонлар” уларни имзолаган тақдирда, ҳақиқий ҳисобланади.

10.6. “Томонлар”нинг ҳеч бири, “Томонлар”нинг ёзма розилигисиз, ушбу шартнома бўйича ўзининг ҳукуқ ва мажбуриятларини учинчи томонга бериши мумкин эмас.

10.7. Ушбу шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

10.8. “Томонлар” шартнома (келишув) тузатётганларида шартномага (келишувга) имзо чекиши ҳукуқи бўлган шахсларнинг факсимиliesи механик ёки бошқа нусха кўчириш воситасида ишлатилиши мумкин, шунингдек, факсимиile ушбу шартнома доирасида керакли бўлган ҳужжатларга ҳам ишлатилиши мумкин, агарда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида факсимилени бу ҳужжатларда ишлатиш тақиқланмаган бўлса.

10.9. “Томонлар”, уларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, ушбу ҳақида бир-бирларини 10 (үн) кун давомида ёзма равиша хабардор қилишлари лозим.

Тошкент шаҳри

"15" январ 2022 йил

Кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритиладиган “Тошйўловчitransхизмат” УК номидан Низом асосида иш кўрувчи директор Атажанов А.И., бир томондан, ва кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган С20 ва жхр елиурбод биршамси  
(корхона,ташкилотнинг номи)  
 номидан Д.Б. Ахмедова  
(корхона,ташкилотнинг фамилияси,исми, шарифи)  
 иккинчи томондан, шартнома бўйича биргаликда “Томонлар”, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖниг 2020 йил 18 ноябрдаги 204-сонли буйруғига асосан “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ қайта ташкил этиш йўли билан “Тошйўловчitransхизмат” УКни ажратиб чиқариш ва фаолиятини қайта тиклаши сабабли, мазкур шартномани кўйидагилар ҳақида туздилар:

### I. Шартнома мавзуси

1.1. Ушбу шартнома шартларига асосан “Буюртмачи” буюртма беради ва буюртма ҳақини тўлайди, “Ижрочи” эса Тошкент шаҳри йўловчи ташиб транспортида юриш учун транспорт карталари сотади ва уларни ҳисобини тариф режалари билан тўлдиради.

### II. Шартнома қиймати

2.1. Давлат корхонаси бўлган “Буюртмачи”га транспорт карталари ва тариф режалари сотиб олиш учун давлат бюджетидан ушбу шартномага асосан бир йилга ажратилган маблаг 5.400.000 (беш эмчимон шурт юз меёнг) сўмни ташкил этади.

2.2. Юқорида кўрсатилган маблағдан ташқари транспорт карталари ва тариф режалари сотиб олинса ёки транспорт карталари ва тариф режаларининг нархи ошган тақдирда, бу маблағни “Буюртмачи” бошқа бюджетдан ташқари манбалардан олган ўзининг маблағлари ҳисобидан тўлайди.

### III. Тўловлар тартиби

3.1 “Ижрочи” томонидан транспорт карталари ва тариф режаларини “Буюртмачи” га Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2011 йил 24 августдаги 241-сонли қарорига биноан олинаётган транспорт карталалари ва тариф режалари учун “Буюртмачи” томонидан олдиндан 100 % пул маблағлари тўланиб, “Ижрочи” нинг ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг ҳамда ушбу маблағлар микдорида, “Буюртмачи” нинг кафолатли шахслари орқали ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ҳамда шахсга тегишли паспортнинг асл нусхаси тақдим этилган тақдирда, сотилаётган кундаги прейскурант нархларига мувофиқ сотилади.

### IV. “Томонлар”нинг мажбуриятлари

#### 4.1. “Ижрочи” ўзига кўйидаги мажбуриятларни олади:

4.1.1.. Ҳар ойда “Буюртмачи” томонидан транспорт карталарига тариф режаларини тўлдириш учун олдиндан ўтказилган пул маблағига асосан кўйидаги манзилда амалга оширилади: 100100 Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур 1 тор-кўчаси, 6-й.

4.1.2. “Ижрочи” ҳар ойнинг 20 санасидан бошлаб транспорт карталарини сотиш ва тўлдириш учун “Буюртмачи”дан буюртма қабул қиласи ва ҳужжатларни расмийлаштиради. Ҳар ойнинг 20 санасидан 25 санасигача соат 8-00 дан 17-00 гача (12-00 дан 13-00 гача танаффусдан ташқари, шанба ва якшанба дам олиш кунлари.) “Буюртмачи” га расмийлаштирилган ҳужжатларга асосан транспорт карталари берилади ва уларга тариф режалари ўтказиб берилади.

“Ижрочи” имтиёзли транспорт картани сотишдан олдин, “Буюртмачи” томонидан имтиёзли транспорт картасидан фойдаланадиган ходимнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси ва гувоҳнома нусхасини қабул қилиб олади.

4.1.3. “Ижрочи” томонидан транспорт карталари ва уларга тўлдирилган тариф режалари счёт-фактура-юқ хати асосида “Буюртмачи”га берилиб, унда транспорт карталари ва тўлдирилган тариф режаларини сони (доналарда), нархи, жами суммаси, серияси ва рақамлари, шунингдек қолдик суммаси кўрсатилади.

4.1.4. “Ижрочи” томонидан транспорт карталари ва тариф режалари “Буюртмачи”га ўтказиб бериладиган вактида, уларнинг нархлари ўзгарган тақдирда, “Буюртмачи” томонидан тўловнинг қайси кунда амалга оширилганидан қатъий назар, “Буюртмачи” нинг ишончномаси, кўшимча тўланган пул маблағи ҳақидаги тўлов топшириқномаси ва банқдан “Ижрочи” нинг ҳисоб рақамига пул ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлган тақдирда, шу кундаги ўрнатилган нархда сотилади.

**4.1.5.** “Буюртмачи” “Ижрочи” нинг счёт-фактура-юк хати бўйича қолдиқ пул маблағларига норозилик билдирса, у ҳолда “Ижрочи” “Буюртмачи” га таққослаш учун компьютер архивидан босмаланган солиштирма далолатномани тақдим этади.

**4.1.6.** “Томонлар” ўзаро ҳисоб-китобда қолдиқ суммани аниқлашлари учун икки томонлама солиштирма далолатномани имзолашлари мумкин.

**4.1.7.** “Буюртмачи” фойдасига ижобий қолдиқ бўлганида шартнома муддати тугаганда ёки бекор қилинганда ёки “Буюртмачи” нинг талабномасига биноан “Ижрочи” солиштирма далолатномага асосан қолдиқ маблағини “Буюртмачи” га З (уч) банк қуни ичida қайтариши лозим.

**4.1.8.** “Ижрочи” йил якунида, шартнома муддати тугаши ёки шартнома муддатидан олдин тугатилиши муносабати билан ҳамда лозим бўлганида, “Томонлар”нинг имзоси билан тасдиқланадиган, солиштирма далолатномасини расмийлаштириши зарур.

#### **4.2. “Буюртмачи” ўз зиммасига қўйидаги маъжбуриятларни олади:**

**4.2.1.** . “Буюртмачи” олинадиган транспорт карталари ва тариф режалари пул маблағларини “Ижрочи”нинг ҳисоб рақамига ўтказиши ва транспорт карталари ва тариф режаларини ишончнома, шахснинг паспорти ва “Ижрочи” нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул маблағлари тушгандан сўнг шартноманинг 4.1.2. бандида кўрсатилган муддатларда олиши лозим.

“Буюртмачи” олинадиган имтиёзли транспорт карталаридан фойдаланадиган ходимларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва гувоҳнома нусхасини “Ижрочи”га тақдим этиши лозим.

**4.2.2.** “Буюртмачи” оладиган транспорт карталари ва тариф режалари сони ва турини ўзгартиrsa, вақтинча олишни тўхтатса ёки шартномани бекор қилса, бу ҳақда “Ижрочи”га 20 (йигирма) қун олдин ёзма равишда хабар килиши лозим.

**4.2.3.** “Буюртмачи” олинадиган транспорт карталари ва тариф режалари пул микдори бўйича қарздор бўлиб қолса (шартноманинг 4.1.6.), шу қарзларни, қарз пайдо бўлган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш қуни ичida тўлаши лозим.

**4.2.4.** “Буюртмачи” йил якунида, шартнома муддати тугаши ёки шартнома муддатидан олдин тугатилиши муносабати билан ҳамда лозим бўлганида, “Томонлар”нинг имзоси билан тасдиқланадиган, солиштирма далолатномасига имзо чекиши лозим.

#### **V. “Томонлар”нинг ҳукуқлари**

##### **5.1. “Ижрочи” нинг ҳукуқлари:**

**5.1.1.** . “Буюртмачи” транспорт карталарини харид қилишда ва тулдиришда ушбу шартноманинг 4.2.1. бандида кўрсатилган муддатдан кейин мурожаат қилса, “Ижрочи” транспорт карталарини сотишга ва тариф режаларини тулдиришга эътиroz билдириш ҳукуқига эга.

**5.1.2.** “Ижрочи” муддати ўтган дебитор қарзларни “Буюртмачи” нинг розилигисиз унинг банки орқали бир томонлама расмийлаштирилган солиштирма далолатномасида акс эттирилган қарздорликни, тўлов талабномаси асосида талаб қилиш ва ундириш ҳукуқига эга. “Буюртмачи” ушбу шартномани имзолаши билан ўзининг ҳисоб рақамидан тўлов талабномаси ва солиштириш далолатномасига асосан ўзининг розилигисиз қарз бўлган пул маблағларини “Ижрочи” томонидан олинишига розилик билдиради. Мавжуд қарзни ундириш учун тўлов талабномаси “Буюртмачи”нинг фақат бюджетдан ташқари депозит ҳисоб рақамига юборилиши мумкин.

##### **5.2. “Буюртмачи” нинг ҳукуқлари:**

**5.2.1.** “Буюртмачи” харид қилинган транспорт карталари ва тариф режалари бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни таққослаш учун “Ижрочи”дан компьютер архивидан босмаланган солиштирма далолатномани белуп олиши мумкин.

**5.2.2.** Шартнома, унинг амал қилиш муддатидан илгари, бекор қилинган тақдирда солиштирма далолатномасига асосан “Буюртмачи” фойдасига пул маблағи қолдиғи мавжуд бўлган тақдирда, “Буюртмачи” ушбу қолдиқни “Ижрочи”дан қайтариб берилишини талаб қилиш ҳукуқига эга.

#### **VI. транспорт карталаларининг сони, нархи ва сифати**

**6.1.** . Сотилаётган транспорт карталарининг ва тариф режаларининг нархи, тўла суммаси ва сони шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган счёт-фактура-юк хатида кўрсатилади.

**6.2.** Сотилаётган транспорт карталари сифати тайёрловчи ташкилотнинг техник талабларига жавоб беради.